



Максимилан Робеспьер (талаффузи: Максимилан Робеспер), тўлиқ исми Максимилан Марије Исидоре де Робеспьер (талаффузи: Максимилан Марије Изидор де Робеспер) (1758-йил 6-май Аррас—1794-йил 28-июл Париж) — француз инкилобчиси, Буюк француз инкилобининг энг таникли ва нуфузли намоёндаларидан бири

Болалиги

Максимилан Марије Исидоре де Робеспьер 1758-йил 6-май куни Франция киролигининг Артуа вилояти (провинцияси) маркази Аррас шаҳрида дунёга келган. Максимиланнинг ота тарафидан бобокалони Робер Робеспьер (1627—1707) Карвен, Бали, Уани аҳоли пунктларида нотариуслик қилган, отасининг бобоси Мартен Робеспьер (1664—1720) Карвенда прокурор бўлган, бобоси Максимилан Робеспьер (1694—1762) эса Артуанин олий мажлисида адвокатлик қилган, отаси Максимилан Бартеlemi Франсуа де Робеспьер (1732—1777) ҳам Артуа олий кенгашида адвокатлик қилган. Робеспьернинг онаси Жаклин Маргарита Карро (1735—1764) пивофурушнинг кизи бўлган. Робеспьернинг ота-онаси бир-бири билан 1757-йилда танишган, улар Робеспьер тугилмасидан тўрт ой олдин 1758-йил 2-январ куни турмуш қурган. Оилада Максимиландан ташқари яна тўрт нафар фарзанд тугилган: Шарлотта (1760—1834), Генриетта-Улали Франсуаза (1761-йил чакалоклигида ўлган), Аугустин (1763-й. 4-июл—1794-й. 28-июл). Бир ҳафтадан сўнг Максимилан Робеспьернинг 29 ёшли онаси ҳам вафот этган. Бу пайтда Максимилан эндиgina 6 ёшга тўлганди. Орадан икки йил ўтиб, Максимиланнинг отаси номаълум сабабларга кўра оиласини, Аррасни, сўнгра Францияни бутунлай ташлаб чиқиб кетган эди. Онаси ўлгач, Максимилан ва укаси

Аугустинни она томонидан бобоси Жак Карро (1701—1778) ўз карамогига олди[3]. Синглисини эса холалари бокиб олади. 1765-йил бобоси Максимиланни Аррас коллежига ўқишга берди. Бу коллежни бир пайтлар иезуитлар ташкил қилган бўлиб, улар Франциядан қувгин қилинган, коллеж маҳаллий епископ назоратига ўтган эди. Максимиланнинг синглиси Шарлотта эслашича, у болалигида ёлғиз қолиб, ҳаёли суриб ўтиришни яхши қўрган. Тарихчилар Робеспьернинг болалиги ҳақида биладиган ягона нарсани унинг чумчуқ ва қаптарларни қўлга ўргата олгани ҳақидаги ҳикоядир. Пивофуруш бобо Жак Карро адвокатлик иши унинг кизига ва оиласига бахт келтирмаганини ваҳ қилиб, набирасини бухгалтер ёки дехконларга уруғлик тайёрловчи тураер (солод тайёрлашда арпа уруғлари униб чиқишини назорат қиливчи касб эгаси) бўлишини мўлжаллаган эди. Бироқ коллеж профессорлари унинг режаларини бузиб юборади. Улар иктидорли ўқувчиларини шаҳарнинг эътиборли шахсларига таништиради. Аррасда анча обрўли ва ўта ҳудожўй бўлган икки холаси Максимилан ҳақида маҳаллий қонунчи Эмега гапириб беради.

Буюк Людовик лицейида

1769-йилда қонунчи Эме хомийлигида ва унинг Аррас епископи Луи Франсуа Марк Илером Конзига берган тавсияномаси натижасида Максимилан Робеспьер Сен-Ваас аббатлиги ҳар йили тўрт қишига берадиган 450 ливрли стипендиялардан бирига эришди ва у Париждаги Буюк Людовик лицейига ўқишга юборилди. Нима бўлганда ҳам, ёш Робеспьер жуда муҳтожликда яшаб ўқийди. У Париждаги коллежда бўлгуси инқилоб сардорлари Камил Демулен ва Луи-Мари Фрерон билан бирга таҳсил олади. Робеспьер жуда яхши ўқийди, қўплаб муқофотлар ва фахрий ёрликларга эга бўлади. У латин тилидан коллежнинг иккинчи муқофотини қўлга қиритади. 1776-йилда эса риторикадан коллежнинг биринчи совринига эришади. Робеспьер коллежда Қадимги Рим тарихи ва адабиётига қизиқиб қолади. Коллеж ўқитувчиси аббат Эриво уни „римлик“ деб қақирадиган бўлади. Кейинчалик лицейнинг собиқ префекти аббат Пройяр Робеспьер ҳақида „Максимилан бутун эътиборини фақат илмга қаратган, шовқин қилмайдиган, ёлғиз сайр қилишни ҳуш қўрадиган ноёб ўқувчи эди“, деб эслаган.

Робеспьернинг аёли ўқиши ва ҳулкини коллеж ўқитувчилари тақдирлаб, унга 1775-йили Франциянинг янги қироли Людовик XVI қаршисида тантанали қутлаш шеърини ўқиб бериш вазифасини топширилган эди. Коллеж раҳбарияти муҳтож бўлган Робеспьерга янги қийим олиши учун маблағ ажратади. 1775-йили 12-июнда Максимилан Робеспьер қирол Людовик XVI ва қиролича Мария Антуанетта қаршисида тантанали шеърини ўқиб берди. Робеспьернинг коллежда оладиган стипендияси шу ерда қолиб ўқишини давом эттиришга етар эди. Унинг олдида ўқишни тиббиёт, илоҳиётшунослик ва юриспруденция йўналишларида давом эттириш танлови турарди. Робеспьер адлия йўналишини танлади ва Парижнинг Сен-Круа-де-ла-Бретонни қўчасидаги прокурор Окант ҳузурида тажриба орттирди. Робеспьер ота-боболари йўлидан кетди. Унинг фамилияси олдида ҳам „де“ қўшимчасини қўшиб ёзиладиган бўлади. Отаси билан бобоси ҳам зодагонлар насабига мансуб бўлмаган бўлсада, ҳудди зодагонлар қаби фамилияси олдида „де“ қўшимчасини ёзишни маъқул қўрган. Робеспьерлар сулоласида фақатгина Максимиланнинг бобоси ақаси, Эпинуа солиқчиси Ив де Робеспьергина 1696-йилда аслзодалик макомини олган. 1780-йил 31-июл қуни Максимилан Робеспьер Сорбонна университетининг юридик факултетини битириб, бакалавр даражасини олди. Унинг стипендияси энди уқаси

Аугустинеге ўтганди. 1781-йил 15-майда Робеспьер лицензия олади ва Париж парламенти адвокатлар реестри рўйхатига киритилди. Шу йилнинг 19-июл куни Робеспьер ўзи ўқиган лицейдан тежаб йигилган 600 ливрлик стипендияни ола бошлади. Бу эса унинг Парижда яшаб ишлаш хукукини йўқка чиқарган эди. Робеспьер шахри Аррасга кетишга мажбур бўлди.

1782-йил 8-ноябрда Робеспьер Артуа кенгашининг адвокатлар коллегиясига ишга қабул қилинади. У Фуше ва Лазар Карно билан бирга „Розатти“ адабиёт жамиятига ҳам аъзо эди. Ўша пайтда ёшларни шеърятга, гулга ва винога бўлган мухаббат ва албатта маърифатпарварлар Монтескё, Руссо, Волтер ва бошқаларнинг илгор гоёлари бирлаштириб турган. Бу даврда Робеспьер Аррас аёлларига бағишлаб, жуда кўп шеърлар ёзган. 1783-йили у Аррас адабиёти, фан ва санъати академиясига аъзо бўлди. Ўз нутклари билан тезда акадemiaда шухрат қозонди. 1786-йилда унинг саъй-харақатлари билан арраслик натурачи аёл Мари Ле Массон Ле Голф ва адиба Луиза де Каралё ҳам академияга аъзо бўлиб қирди. Робеспьер аёллар ҳуқуқлари қурашувчи шахс сифатида ҳам танилди. XVIII аср файласуфлари гоёлари билан қизиқиб қолган Робеспьер сиёсат билан ҳам шугулланди. Дўстлари ва оиласи ёрдами билан у Артуа провинциясидан Учинчи табақа вакили сифатида Генерал штатларга депутат бўлиб сайланиш учун қурашга киришди. Артуа ўлкасини ислох қилиш масаласида тайёрлаган брошюра унга шухрат олиб келди. Дастлаб у Аррасдан сайланадиган йигирма тўрт номзод ичида галабага эришди, сўнгра 1789-йил апрелида Аррасдан сайланадиган ўн икки депутат ичида Генерал штатларга депутат бўлиб бориш шарафига ҳам мушарраф бўлди. Айнан унга Аррас сайловчилари талабларини тузиш вазифаси ҳам топширилган эди.

Генерал штатлар

Дастлаб бу шимол лаҳжасида гапирувчи, эскича услубда қийинган, провинциал депутат ҳеч қимнинг эътиборини тортмайди. Генерал штатлар йигилишларини ёритиб борган ўша даврдаги газеталарда доимо унинг фамилияси чалкаштириб ёзилганини кўриш мумкин: Робертпиер, Робертс ёки Роберт-Пер. Аммо у бахс-мунозараларда кўп қатнашгани учун танила бошлади. У 1789-йилда у 69 марта, 1790-йилда 125 марта, 1791-йилда эса 328 марта минбарга чиқиб, нутқ сўзлади. Айнан шу даврда Мирабо Робеспьер ҳақида «У узокка боради, чунки ўз сўзларига ишонад, деган эди.

1789-йил 20-июнда саройнинг қаршилиги боис йигилиш учун бинодан мосуво бўлган депутатлар Версалнинг қопток ўйналадиган залида йигилди ва янги конституция ишлаб чиқилмагунча зални тарқ этмасликка қасамёд қилди. Ўша қасамёд матни муаллифларидан бири ҳам Робеспьер эди.

1789-йил 14-июл воқеаларидан кейин Робеспьер ҳарбий ҳолат эълон қилинишига қарши овоз берди. Шунингдек, у қиролнинг вето ҳуқуқига, фуқаролар фаол ва сушт гуруҳларга ажратилишига, яҳудийлар, гугенотлар ва актёрлар гилдияси аъзоларини жамоат амалларини эгаллашига қарши овоз беради.

1789-йил 14-июл Руссонинг „Умумий иродаси“ тасдиқланди ва шунинг учун Робеспьер инқилобни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

1790-йил ноябридан 1791-йилнинг сентябригача давом этган бахс-мунозараларда (дебат) Робеспьер Миллий гвардиянинг ташкил топишида асосий рол ўйнайди.

У 1791-йилда Фуқаролар ва инсон ҳуқуқлари декларациясини, Франциянинг илк

конституциясини ёзишда ва қабул қилишда фаоллик кўрсатди. Шунингдек, унинг ўлим жазосини ва француз мустамлакаларида кулликни бекор қилиш ҳақидаги қарарлари ҳам маълум.

Айнан шу даврда депутатлар ўртасида дастлабки қарама-қаршиликлар келиб чиқди, консерватив қарарли депутатлар ва „роялист демократлар“ кейинчалик „конституциячилар“ ва „монархистлар“ деб аталадиган бўлди. Улар инқилоб натижаларидан қаноатлангач, ҳукумат тузишга киришди. Робеспьернинг Таъсис мажлиси аъзолари Қонунчилик мажлисига сайлана олмаслиги ҳусусидаги таклифи партиялар ўртасидаги қатта ихтилофларнинг олдини олган эди. Таъсис мажлиси монархия давридаги табақаланишни йўққа чиқарган ва жамиятда ижтимоий тенглик принципларини эълон қилган, лекин у ҳали янги принципларга мос қиладиган ҳокимият турларини аниқлаб олмаган эди. Бу муаммо юз йилгача, яъни то Учинчи Республика тузилмагунча ечилмай қолаверди. 30-сентябрда Таъсис мажлиси аъзолари Қонунчилик мажлисига сайлана олмаслигини эълон қилиб, тарқаб кетди[18].

Якобинчилар клуби

Инқилобнинг бошланиши ўша даврда жуда кўп сиёсий клублар пайдо бўлишига олиб келди.

Таъсис мажлисининг биринчи ойларидаёқ Робеспьер Мирабо, Петтион, аббат Греғуар, ака-укалар Карл ва Александр Ламет билан бирга Бретон клубига аъзо бўлди. Бу клуб аъзолари Версалдаги „Амори“ кафесида тўпланиб турган. 1789-йил октябрида ассамблеянинг Парижга кўчишидан сўнг Робеспьер Якобинчилар клуби номи билан от қозонган „Конституция дўстлари“ жамиятига аъзо бўлади. Клуб Тюилри саройи яқини, Сент-Оноре кўчасидаги Якобинчилар монастирида мажлис қилган. Франциядаги парламентаризм анъаналарига содиқ қолган ҳолда, бутун мамлакат бўйлаб клуб бўлимлари, яъни филиаллари очила бошлади. Бу клублар Париждаги марказлари бўлмиш Якобинчилар клуби билан хат-хабар (корреспонденция) орқали алоқада бўлди ва жамоатчилик фикрини петиция ва бошқа босим воситалари орқали Миллий кенгаш ва сўнгра Конвентга ҳам етказиб турди. Шундай қилиб, бу клубларда бутун мамлакатнинг сиёсий йўналишлари шаклланди. Ўша клубларда сайлов комиссияларига кўзга кўринган шахсларнинг миллат намоёндалари сифатида номзодлари тақдим этилган.

Варенн инқирози

Қиролнинг мамлакатдан қочишга уруниши инқилоб тарихининг асосий воқеаларидан бири бўлди.

Франциядан эмиграция оқимининг қучайиши 1789-йил 14-июлданок бошланиб кетган эди. Унинг маркази Франция чегараларига жуда яқин бўлган Кобленс шаҳрида жойлашган. 1791-йил 20-июнида қирол оиласи билан яширинча Франциядан қочиб кетмокчи бўлди, бироқ чегарага яқин Варенн шаҳарчасида уни почта хизматчиси таниб қолди ва у қўлга олиниб, Парижга қайтарилди. Шундан кейин қирол ўз саройида асир сифатида ушлаб турилди.

Қиролнинг мамлакатдан қочишга уруниши бутун Францияни қарахт аҳволга солиб қўйди. Бу гўё Францияга нисбатан уруш эълон қилингандай, қирол душман мамлақатида тургандай таассурот уйғотди. Айнан Варенн инқирозидан сўнг инқилобнинг

радикаллашув даври бошланди. Шу дакикалардан бошлаб, мамлакат ахолисига икки тоифага: „ватанпарварлар“ ва „халк душманлари“га бўлиниб караладиган бўлди. Мана шу даврдан бошлаб, инкилоб захиралари торайиш боскичига кирди. Кирил ортидан Мирабо ҳам, Барнав ҳам, Бриссо ва Дантон ҳам ва нихоят Робеспьернинг ўзи ҳам ишдан кетди.

Бирок демократия принциплари асосида эълон килинган далилларга карамай, мамлакат монархияни батамом тугатишга хали тайёр эмас эди. Республика кайфиятини деярли ҳеч ким, ҳатто инкилобнинг энг радикал катлами ҳам қўллаб-қувватламай қўйди.

Робеспьернинг нутклари, карашлари ўша тушунмовчилик замонида мос эди. Классик усулда тарбия олган Робеспьер учун инкилоб Қадимги Рим республикаси, унинг юкори доираси ўртасидаги ҳокимият учун кураш, фуқаролар уруши ва ҳарбий диктатура билан боғлиқ эди. Бундан ташқари, умумий сайлов тарафдори бўлган Робеспьер республика бундай вазиятда муқаррар тарзда олигархия қўлига ўтиши билан яқунланишини билар эди.

"Мени республикачиликда айблаб, қўп илтифот қўргизишяпти: мен республикачи эмасман. Лекин кимда-ким мени монархиячи деб эълон қилса, билингки, буни ҳақорат деб биламан; мен, шунингдек, ҳеч қанака монархиячи эмасман... „Республика“ сўзи бирор аниқ ҳукумат шаклини англатмайди. У инсонлар ўз ватанида озодликдан баҳраманд бўладиган ҳар қандай ҳукумат шаклини ўз ичига олиши мумкин. Инсонлар ҳоҳ қирол ҳокимияти бўлсин, ҳоҳ сенат ҳокимияти бўлсин, баб-баробар озод бўлиши мумкин. Ҳозирги дакикаларда Франция конституцияси нимани англатади? Бу монархи бор республика деганидир. У на монархия ва на республика ҳисобланади, шу билан бирга, униси ҳам, буниси ҳамдир".

Республика куннинг долзарб масаласига айланган эди. Мамлакат бўйлаб яна 1789-йил ёзидагидай, зодагонларга нисбатан зўравонлик амаллари авж олиб кетди. Шу даврда республика ислохотлари тарафдорлари пайдо бўлди. Робеспьер масалани конституциявий йўл билан ҳал қилиш тарафдорлари ичида эди, лекин мажлис ва ҳукуматни саройга ён босишда айблади. Бирок бу ҳаракат 1791-йил 17-июлда Марс майдонидаги отишма чоғида бостирилади.

Бу пайтда якобинчилар сафлари қўплаб парижлик радикаллар қўшилиши натижасида анча ўзгариб кетди. Бундан ташқари, гоёлар „мусобакаси“ ва Якобинчиларнинг қорделерларнинг янада радикал клуб у билан ҳамкорлиги бошланди. Аммо Марс майдонидаги отишмадан сўнг клуб аъзолари ўртасида илк бор бўлиниш юз берди. Якобинчилар клубининг сўл қисми қорделерлар мажлисга юборган қиролни ағдариш ҳақидаги петициясини қўллаб-қувватлади. Якобинчиларнинг, асосан, монархиячилардан (Барнав, Дюпор, Александр Ламет ва улар тарафдорлари) иборат ўнг қаноти клубни тарқ этди ва „Фелянлар“ номли янги сиёсий клуб очди. Улар билан бирга бутун мамлакат бўйлаб тарқалган Якобинчилар клуби аъзолари клубни тарқ эта бошлади. Робеспьер клубда қолди. Бир неча ой ўтгач, якобинчилар мамлакатнинг радикаллашуви, қўплаб ташвиқот ва тарғибот ишлари натижасида клубга қайтди. Айнан мана шу даврда Робеспьер Якобинчилар клубининг энг обрўли ва қудратли аъзоларидан бирига айланди.

Муҳолифат ва Австрия билан уруш

Парламент сессиясида Таъсис мажлисининг фаолияти яқун тоғгач, Робеспьер 1791-йил

кузида фукаролик хаётига кайтди, Конунчилик мажлисининг биринчи сессиясидан сўнг ватани Артуага бориб келди. Уни хамшахарлари кўтаринки кайфиятда кутиб олди. 28-ноябрда Парижга кайтиб келган Робеспьер сиёсатда эмигрантлар масаласи хаддан ортик жойни эгаллаб олганини таъкидлади ва Австрия билан унинг немис иттифокчиларига карши урушнинг мафкуравий жихатларига эътибор қаратди. Бўлгуси жирондистлар сардорларидан бири Бриссо урушга тиш-тирноги билан карши эди. Дастлаб йўналишини аниқлай олмаган Робеспьер урушга карши бўлган кучлар тарафида бўлди, уруш тарафдорларига карши Якобинчилар клуби минбарларидан туриб, 1791-йил 11-декабридан то 1792-йил 25-январигача 11 марта нутк сўзлади. У бу ташвиқотлар, яъни уруш тарафдорлари ортида Людовик XVI ва унинг саройи турибди, деб гумон қилди. Робеспьер фикрича, франсуз армияси урушга тайёр эмас, армия галаба қозонган тақдирда ҳам Францияда қирол ҳокимиятининг мустаҳкамланишига хизмат қилади ва натижада инкилобга душман кайфиятдаги қирол ва вазирларининг таъсири кучаяр эди. Робеспьер, шунингдек, Франция учун хақиқий хавф деб Кобленсдаги эмигрантлар уяси эмас, балки Франциянинг ичидаги хавфни назарда тутган эди. "Сиёсатчининг хаёлига келадиган энг галати гоё унинг, бегона мамлакатга бостириб кириб, бемалол ўз конунларинг ва конституциянгни тикиштираётган бўлади, деган ишончидир. Ҳеч ким қуролланган миссионерларни ёқтирмайди... Ҳуқуқ декларацияси ҳар қандай тахтни „ҳа“ деганда урадиган чакмоқ эмас. Мен, инкилобимиз келажакда дунё тақдирига таъсир қилмайди, деган фикрдан йироқман... Лекин бу бугун юз бермаслагини бемалол айтишим мумкин". Максимилан Робеспьернинг Якобинчилар клубидаги нуткидан, 1792-йил 2-январ.

Аммо инкилобнинг жангавор идеализми ва messiанизми (масихийлик) кайфияти ошиб борди, бу эса энг ашаддий танқидчилар Демулен, Дантон ва ҳатто Маратнинг ҳам овози ўчишига олиб келди. Шухратига соя солишига қарамай, Робеспьергина ўз фикрида собит қолди. Гарчи у нутқларида жирондистларни сарой билан тил бириктирган фитнада тўғридан-тўғри айбламаган бўлсада, тинимсиз урушга интилиш сабабларини айтмасдан қолмади. Бу эса сиёсий ва шахсий масалаларда очикдан-очик тўқнашувларга олиб келди. Жиронда ва Гора ўртасида қураш бошланаётган эди. Конунчилик мажлисида 745 нафар аъзодан, бор-йўғи, 7 киши урушга карши овоз берди. 1792-йил 20-апрелида Франция Богемия ва Венгрия қиролига карши уруш эълон қилди. Ўша пайтда бу уруш 25 йил давом этишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган. Бу урушни хоҳлаган Людовик XVI ҳам, Бриссо ҳам ва унинг дўстлари ҳам, умуман, жуда кўпчилик унинг фожиали тугагини ҳали билмас эди.

Монархиянинг қулаши

Уруш жуда аянчли мағлубият билан бошланди. Рақибни кўрган кўшинлар тум-тарақай қочди. Роялистик кайфиятда бўлган бир неча полк очикдан-очик душман тарафига ўтиб кетди. Генераллар ҳам ўзини қатъият билан тута олмай, барча айбни кўшинлардаги тартибсизликларга ағдараётган эди. Бу вақтда франсуз кўшинлари бошбошдоклик жараёнини бошидан кечириётганди. Зобитлар таркибининг ярмига яқини уруш бошланиши биланок чет элларга чиқиб кетди. Қолганлари ҳам ўз жойларини (постларини) ташлаб кета бошлади. Бир неча провинцияда роялистлар исён кўтарди. Вандеяда эса диний-роялистик кўзғолон бошланди.

Фронтдаги мағлубият хабарлари жамоатчилик газабига ва кескин муҳокамаларига сабаб бўлди. Кўпчилик бунинг ортида Тюилри саройи ва Мария Антуанетта бошчилигидаги „Австрия кўмитаси“ турганини гумон қилган.

Робеспьер фронтдаги мағлубият учун генералларни айблаб чиқди ва уларни ватанпарварлик руҳидаги кишилар билан алмаштириш керак, деган таклифни берди. У, шунингдек, Конунчилик мажлисини консерватизмда ва кирол саройига, шунингдек, инкилобни армия ёрдамида бостиришни хошлаётган Лафаетга ён босаётганликда айблади. Бриссочилар билан ҳам дуэл авж олди, улар жамоатчилик олдида ўз гоёларини амалга ошира оладиган даражада кўпчиликни ташкил қилмаган бўлсада, ҳукумат таркибига кириб, обрўсини тўқиб бўлган эди.

Робеспьер „Ватан хавф остида“ шиорига „лаббай“ деб жавоб бериб, Парижга етиб келган федератларни олқишлади ва инкилоб улар химоясига муҳтож эканини айтиб, улардан Парижни тарк этмасликни илтимос қилди. Федератларнинг Парижга келиши миллий ҳаракатларнинг баттар авж олишига туртки берган эди.

Кирол эса ўз навбатида жирондистлар сафига фелъяларни тикиштиришга ва шу билан вақтдан ютишга ҳаракат қилди. У Европа монархлари кўшинлари ёрдамга келишидан умидвор эди.

29-июлда Робеспьер Якобинчилар клубида Конунчилик мажлисига ишонч йўқолганини ва унинг ўрнига умумий сайлов орқали Миллий Конвентни тузиш керакли ҳақида дастурий нутқ сўзлади. У ҳукуматни ҳокимиятдан четлатишни талаб қилди, маъмурий ва ҳарбий амалларни бир-бирига аралаштириб юбормасликни, суд таркибини янгилаш масалаларини ҳам кўтарди. 3-август куни Брауншвейг герсогининг манифести эълон қилинди. Унда Парижда киролга нисбатан зўравонлик қилинаётгани баён этилган ва Францияга ҳарбий экикуция (жазолаш) билан таҳдид қилинган эди.

Вазият кун сайин оғирлашиб борар эди. Париж секциялари тўхтовсиз мажлислар бўлажagini, мажлислардаги сушт фукаролар, шунингдек, Миллий гвардияни тарқатиб юборилишини эълон қилди. Париж мери (ҳокими) Петион 47 та секция номидан Конунчилик мажлисига киролни тахтдан ағдариш ва Конвентни тузишга чақириш ҳақида ултиматум — петицияни тақдим этди. Икки ҳафталик баҳс-мунозаралардан сўнг мажлис ҳар қандай айбловни рад этди, натижада 9-август куни бутун Парижда исёнга кўтарилишни сўраб, жом қалинди. Сен-Антуан кўргонидаги Кенз-вен секцияси Париждаги барча секцияларга исёнчиларнинг марказий кўмитасини тузишни таклиф этди. Париждаги 28 та секция бу чақирикка қўшилди ва 10-август куни Париж исёнчилар коммунаси ташкил топди.

Монархия қулаган куннинг эртаси Коммунанинг бош кенгаши 288 кишига қадар кенгайтирилди. Робеспьер бу кенгашга Парижнинг Вандом майдони секциясидан таклиф қилинди ва қиритилди. У дарров юқори лавозимларни эгаллади ва унинг ҳар бир маслаҳатига амал қилинадиган бўлди. У мажлисга секциялар ҳаракати бемаслаҳат сафарбар қилинмаслигини, Миллий мажлисни чақириш ва Лафает хоин деб эълон қилиниши кераклигини, Коммуна барча департаментларга вазиятни тушунтириш учун комиссарларини юбориши зарурлигини, секцияларда фаол, сушт фукаролар деган тушунчаларни йўқотиб, ўрнига доимий фаолият юритадиган инкилобий кўмиталарни тузишни таклиф этди.

Конунчилик мажлисида бу пайтда 745 депутатдан 285 нафари қолган, унинг бутун ўнг ва роялистлар қисмлари тарқаб кетган эди. Кирол Тампл қалъасига қамалгач, мажлис Коммуна босими билан фукароларни фаол ва сушт катламларга бўлмаслик, сайловларда

иштирок этиш ёшини 25 дан 21 ёшга тушириш ва энг мухими, Миллий Конвентни чакириш тўғрисидаги декретларни қабул килди.

Конвент

10-августдаги исёндан кейин 6 ҳафта давомида Коммуна ижро ҳокимиятини деярли тўлиқ ўзи бошқариб турди ва шу вақт мобайнида роялистлар ва инкилобга қасамёд қилмаган рухонийлар — диндорларни жазолашни талаб этди. Роялистлар матбуоти ва Фелянлар клуби тўлиқ ёпилди. 26-август куни пруссаклар Лонгвини олгани, 2-сентябрда эса Вандея кулагани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Бу пайтда на Герсог Брауншвейг кўшинлари ва на Париж ўртасида бошқа ҳимоя қалъаси қолган эди. „Қамоқхоналарда инкилобга қарши тайёрланаётган фитналар“ ҳақидаги миш-мишлар пайдо бўлди, фуқаролар армияга кетишидан олдин фитначиларга ўлим жазоси беришга оид талаблар янграй бошлади. Натижада 2-6-сентябрда Париж, Лион, Версал ва бошқа шаҳарлардаги қамоқхоналарда „Сентябр қирғини“ номини олган ҳунрезлик уюштирилди.

Миллий Конвентга ўтказилган сайлов Франция тарихидаги умумий сайлов ҳуқуқини берган илк сийиосий тадбир бўлган эди. Бу тарихий сайлов 1792-йил 2 — 6-сентябрда ўтказилди. Сайловда олдингисига нисбатан қам одам қатнашган бўлсада, инкилоб ноёб, умумхалқ демократик даврига қадам қўйганди. Сайловда қамбағал табақа санкюлотлар ва қам сонли республикачилар том маънода ғалаба қозонди. Инкилоб санкюлотлар ва республика тарафдорлари босими остида янгидан туртки олган, Робеспьер бу сайловда Париждан берилган 525 та овоздан 338 тасини олиб, қолиб бўлган эди. Шунингдек, Робеспьер яна Па-де-Каледан ҳам 721 та овоздан 525 тасини олиб, сайловда ютди. Робеспьер Конвентда Париждан вакил бўлишни истаган эди.

Жирондистларга қарши кураш

Миллий Конвент ўз мажлисларини 1792-йил 20-сентябридан ўтказиш бошлади. 21-сентябр монархия бартараф этилгани ва Франциянинг ягона ва бўлинмас республика деб эълон қилинган куни сифатида тарихга кирди. Париж санкюлотлари, қўнгиллилар ва федератлардан ташкил топган франсуз армиясининг „Валми ёнидаги жанг“да ғалаба қозонгани ҳақида қувончли хабар келди.

Кейинги уч ой давомида Мажлисда ҳукм сурган масала инкилоб зўравонликлари, Париж ва департаментларнинг роли, қирол устидан бўладиган судга оид эди. Конвентда жами 749 нафар депутат бўлиб, шундан 160 нафари жирондистларни, 200 нафари монтанярларни ва 389 нафар депутат эса Текислик (фр. Плаине) деб аталувчи қисмни тасвир қилган. Депутатларнинг учдан бир қисми олдин ҳам сайланганлар бўлиб, улар Конвентга ўзи билан олдинги сиёсий қарама-қаршилиқлар ва аёвсиз бахсларни ҳам олиб келган эди. Конвентнинг қатта қисми жирондистларни қўллади ва монтанярларни сентябр қирғинида ва уларни диктатурага интилаётганликда айблаб чиқди. 5-ноябр куни Робеспьер бу айбловларга қарши нутқ сўзлади. У сентябр қирғини 10-август инкилоби давоми бўлганини, халқнинг қаҳри бу инкилобнинг қонуний ҳуқуқи бўлганини таъкидлади.

"Нахотки инкилобсиз инкилобни истасангизлар? Бу ҳаракатларингиз қаердан пайдо бўлди, нимани қайта қўриб чиқишимиз керак, бошқача айтганда, инкилоб ҳаловатингизни

буздими? Бундай каттик силкинишларнинг окибати хакида нима дейиш мумкин? Ким бу аллакачон бошланиб, авж олиб кетган халк исёнининг тўлкини аник чегаралари каерда тугаши кераклигини айта олади? Бундай шароитда кайси халк истибдод аталмиш бўйинтурукни улоктириб ташлай олади?.. Озодликка содик бўлган франсузлар шу йил августда, барча департаментлар билан келишган холда бир ёкадан бош чиқариб ҳаракат килди, демак, ҳаракатларини ёки тўлик қўллаш, ёки бутунлай рад этиш керак. Баъзи ўйлаб топилган ёки ростдан содир бўлган тартибсизликларда уларни айблаш фидойилик учун жазолашдай гап... Конун йўли билан жазоланиши зарур, аммо халкнинг одил судловидан ҳалок бўлган айбдорлар учун аза тутинг: аммо кайгунинг ҳам чегараси бўлиши лозим. Деярли факат озодлик душманларига мотам тутаётган хиссиёт менга шубҳали туюляпти. Кўз ўнгимда мустабиднинг конли қўйлагини силкитишни бас килинглар..." Максимилан Робеспьернинг Миллий Конвентдаги нуткидан, 1792-йил 25-ноябр.

Робеспьернинг инкилобни химоя қилиб сўзлаган мазкур нуткидан кейин, инкилобнинг ярим расмий газетаси бўлмиш „Ле Монитеур универсел“ Якобинчилар клубининг ҳар кунлик бахс-мунозаралари миллат учун аҳамиятли эканини инобатга олиб, улар хисоботини бериб борадиган бўлди.

Робеспьер кирол тақдири хакида 3-декабр куни нутқ сўзлади ва масалани юридик нуктадан сиёсий нуктага қўтариш зарурлигини айтди. Людовик судланувчи, сиз эса ҳакам эмассиз, сиз давлат одамларисиз, миллат вакилларисиз... Вазифангиз суд қарорини чиқариш эмас, жамият фойдаси учун чора қўришдир... деб таъкидлади Робеспьер (Миллий Конвентдаги нутқдан 1792-йил 3-декабр). 10-август инкилоби киролга аллакачон ўлим жазосини чиқариб бўлган эди.

"Хали адолатли конунларини яхши ўрната олмаган инкилоб киролни тахтдан ағдариб ташлади, аммо унинг шахси инкилоб қилган миллат тақдирини хавф остига қўяди, унинг номи уруш балосини олиб келади, киролни на камокда ушлаш ва на қувгин қилиш халкнинг хавфсизлигини таъминлай олади. Бу адолат тан оладиган оддий конунлардан кескин фарқ қилувчи қарор унинг табиий қелиб чиқиш моҳияти билан боғлиқдир. Шуни афсус ва надомат билан айтаманки, ватан яшаб қолиши учун Людовик ўлиши керак". (Робеспьернинг Миллий Конвентдаги нуткидан, 1792-йил 7-декабр.)

Робеспьер фикрича, Конвентнинг мўътадил қисми талаб қилаётган халққа мурожаат эндигина эълон қилинган республика тузумига хавф солиши мумкин эди. Референдумда енгилган роялистлар учун ўч олишга яхшигина имконият пайдо бўлиши ва бу кирол тақдири учун овоз беришда "монархистлар" ва "конституциячилар"га қўл қилиши мумкин эди.

20-январ куни Людовик XVI ўлим жазосига ҳукм қилинди ва у 1793-йил 21-январда Париждаги Инкилоб майдонида қатл этилди.

Бу вақтга қелиб, жирондистлар Конвентда қўпчилик овозидан маҳрум бўла бошлаганди. Конвент мажлисларидаги бахслар, депутатларнинг бир-бирига ташланиши, гоёлар ўртасидаги қураш, чексиз нафрат ва айбловлар ижро ҳокимияти фаолиятини ҳам фалажлаб қўяётган эди. Жирондистлар августда киролни химоя қилиб, кейин суд ишига ҳам ҳалакит бериб, ўзини роялистлар билан бир қаторга қўшган ва энди ноқулай аҳволга тушиб қолган эди.

Монархиядан мерос қолган молиявий инкироз муаммоси ҳам ечилмай қолаётган эди.

Тинимсиз эмиссия, ассигнатлар (Буюк франсуз инкилоби давридаги қозғолган пул бирлиги)

кадрсизланиши ва нархлар кўтарилиб кетишига олиб келди. Айникса, озик-овкат махсулотлари нархлари тинмай ошиб борди. Йирик шаҳарларда санкюлотлар галаёнлари бошланди. Халкнинг нонга энг юкори нарх белгилаш хакидаги илк талаблари янграб турди. Аммо якобинчилар ҳам, жирондистлар ҳам, Робеспьер ва хатто Марат ҳам иктисодий назорат сиёсатини қўллаб-қувватламади. „Кутурганлар“ (фр. Энрагёс) талаб килаётган шафкатсиз чора-тадбирларни Конвент рад этди.

Валми ёнидаги жангдаги галабадан сўнг жирондистлар яна инкилобий ташвиқотга зўр берди, улар „Кулбаларга — тинчлик, саройларга — уруш“ (фр. паих аух чаумиёрес, гуэрре аух чâteаух) сўзларини ўзига шиор қилиб олган эди. Франсуз инкилобини бостиришга куч топа олмаган Европа Францияга қарши биринчи коалицияни тузди. Ассигнатларнинг кадрсизланиб кетиши франсуз армияси ишғол қилган Белгияда норозиликларга сабаб бўлди. Валмидаги кўтаринки ватанпарварлик руҳи узок давом этиши мумкин эмасди, аскарлар бурчини бажариб уйга қайтаётган эди.

Муваффақиятсиз ҳужум ва Неервинден жангидаги мағлубиятдан сўнг Францияга яна халқаро интервенция (боскин) хавф сола бошлади. Айникса, Дюмуренинг хоинлигидан сўнг жирондистлар ҳам хоинликда айбланди. Конвент шошилинич чоралар қўриб, эмигрантларга қарши қонун қабул қилди ва 300 минг кишилик инкилобий трибунални тузиш ҳусусида қарор чиқарди. Вандеяда исён ва Франциянинг гарбида республикачиларни қиргин қилиш бошланиб кетди. Инкироз иккала партияни ҳам иттифокчилар излашга ва анъанавий тарафдорларга таянишга мажбур этди.

Якобинчилар Париж секцияларига, жирондистлар эса провинцияларга яқинлашишга ҳаракат қилди. Робеспьер 10-апрел куни Конвентда жирондистларни айблаб оташин нутқ сўзлади. Камил Демулен эса „Бриссочилар тарихи“ номли фoш қилувчи памфлетини эълон қилди.

Жиронда қаршилигига қарамай, санкюлотлар ва якобинчилар иттифоки иш берди ва Конвент биринчи максимум қонунини қабул қилди. Бирок жирондистлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмади, улар департаментларга армияга чақирув масалалари бўйича миссия билан юборилган 82 нафар монтаняр Конвентда йўқлигидан фойдаланиб, Маратга импичмент эълон қилди ва Коммунанинг бир неча аъзосини ҳибсга олдиришга муваффақ бўлди. Жирондистлардан бўлган депутат Изнар Конвентда „Коммуна анархистлари“га таҳдид қилиб шундай деган эди: «Мен сизларга бутун Франция номидан гапиряпман, Париж яқинда йўқ қилинади».

Сиёсий инкироз 15-апрелда юкори нуктасига етди. Шу куни Париждаги 48 та секциядан 35 таси Конвентга суверен халққа нисбатан ашаддий жиноятларда, коррупсияда айбланаётган 22 нафар депутат устидан арз қилди. Робеспьер 26-май куни Якобинчилар клуби минбарида нутқ сўзларкан, шундай деди: «Барча қонунлар оёқ ости қилинса, истибдод ҳаддидан ошса, ҳалоллик топтаб ташланса, халқ қўзғолон кўтариши шарт. Шундай вақт келди».

У 29-май куни Якобинчилар клубида шу гапларини яна такрорлади: «Мен сизларга айтяпман, агар бутун халқ кўтарилмаса, озодлик ҳалок бўлади».

Ўша кунлари Робеспьер қуйидаги сўзларни ён дафтарчасига ёзиб қўйган эди:

«Ягона ирода зарур. У ёки республикачиларники ёки роялистларники бўлиши керак. Агар республикачиларники бўлса, бизга республикачи вазирлар, республикачи матбуот, республикачилар ҳукумати вакиллари керак бўлади. Ички хавф-хатар буржуазиядан келиб чиқади, буржуазияни енгиш учун халқ бирлашиши шарт. Хақиқий қўзғолон то республикани қутқариш учун зарур бўлган чоралар қўрилмагунча давом этиши керак.

Халк Конвент билан бирга бўлиши, Конвент эса халк кўмагидан фойдаланиши даркор...»

1793-йил 31-май куни Парижда кўзголон бошланди.

Якобинчилар конвенти

31-май кўзголови худди 10-августда монархия сингари Жирондани ҳам ағдариб ташлади, чунки жирондистлар ҳам инкилоб мудофааси йўлига тўганок бўлаётган эди.

Жиронданинг 29 нафар депутати уй камогига олинди, аммо кўпчилиги департаментларда исён кўтариш учун Париждан кочиб кетди. 31-майда бошланган федерал кўзголон кенг таркалиб, тез орада Лион, Марсел, Бордо, Тулон ва Вандеяни камраб олди. Бу пайтда у роялистлар, аксилинкилобчилар маконига айланиб улгурган эди. 82 та департаментдан тахминан 60 таси тўғридан-тўғри ёки қисман исёнга кўшилди[30]. Республикачилар армиялари Европа монархиялари хужуми боис чекинишга мажбур бўлди.

Жирондага қарши кўзголон кўтарган секцияларнинг Конвентдаги галабасидан сўнг, ҳокимиятга монтанярлар келди. Энди улар ўз лойиҳаларини амалга ошириш имконига эга бўлганди. 3- ва 10-июн ҳамда 17-июл кунлари чиқарилган декретлар монархиядан мерос қолган охири сенёрлик ҳақларини ҳам бекор қилди. 24-июнда қабул қилинган 1793-йил Конституцияси бутун XIX аср демократияси рамзига айланди[33]. 23-август куни Конвент „Левée эн Массе“ қонунини қабул қилди, унда қонун қучга қирган дақиқалардан бошлаб, душман қучлари республика ҳудудларидан тўлиқ қувиб чиқилмагунча, барча франсузлар армияга доимий тарзда сафарбар қилиниши кўзда тутилган эди[34]. Монтанярлар иктисодий регламентацияга қарши бўлсаларда, 4-5-сентябр кунлари Париж секцияларининг босимлари остида „умумий максимум“ қонунини имзолашга мажбур бўлди. Инкилоб мудофааси XX асрда „тотал уруш“ деб номланадиган тизимга айланаётганди. Бироқ бу саъй-ҳаракатларни йўналтириш ва мувофиқлаштириш учун санкюлотларнинг ишончига ва Миллий Конвентнинг таянчига эга қучли ижро ҳокимияти керак бўлар эди.

Инкилобий ҳукумат

„Тинчлик сулҳи тузулмагунча, Франциянинг муваққат ҳукумати инкилобий ҳукумат бўлиб қолаверади“ (Конвент декрети, II йил 19 вандамер/ 1793-йил 10-октябр).

Конвент ижро ҳокимиятининг моҳияти унинг қўмиталарида эди, улардан иккитаси: 1) Ижтимоий қутқарув қўмитаси ва 2) Ижтимоий ҳавфсизлик қўмитаси энг аҳамиятлиси бўлди. Иккинчи қўмита ҳуқуқий ва полиция функцияларини (Инкилобий трибунал ва терроризмга қарши кураш йўналиши) бажарган. У биринчи қўмитадан қамроқ маълум бўлган. Биринчи қўмита кўпроқ ҳокимият ва ваколатларга эга эди. Унинг таркиби 1793-йил апрелида шакллантирилди, бироқ ёзга келиб, тўлиқ ўзгартирилди ва орадан ярим йил ўтиб, ҳақиқий қучга тўлди. Унга дастлаб доимий таркиб, нуфуз, Конвент ва бошқа жойлардан қўмақ етишмаётган эди.

Конвент 10-июлда қўмитани янгилади ва Дантон унинг янги таркибига сайланмай қолди. Бироқ республиканинг II йилидаги Буюк ижтимоий қутқарув қўмитасини шакллантириш

учун яна икки ой сарфланди. Энг катъиятли монтанярлар: Кутон, Сен-Жюст, Жанбон Сен-Андре ва Марналик Приёр кўмитанинг ўзагини ташкил килди, улар каторига Барер ва Линде ха

Робеспьер Конвентда кўмитада қабул килинган қарорларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини муваффақиятли химоя қила бошлагандан сўнг Конвент мажлисларига таклиф қилинадиган бўлди ва 27-юлда унинг таркибига кирди. 4-августда армия тажрибасига эга бўлган кот-дорлик Карно ва Приёр кўмитага, 6-сентябрда эса секциялар вакиллари сифатида Колло Д'Ербуа ва Биё Варенн ҳам кирди. Улар турли мизож, тажриба ва ижтимоий мойилликларга эга шахслар эди. Масалан, Линдега террор ёкмаган, Биё-Варенн ва Колло д'Ербуа кўпроқ санкюлотларга якин бўлган. Уларнинг асосий қисми битта ижтимоий табақага мансуб бўлсада, сиёсий қарашлари барибир ўзаро фарқ қилган. Карно ва Линде анча консерватив, Робеспьер ва Сен-Жюст эса ижтимоий масалаларда анча демократ одамлар эди.

Уларнинг кўпчилиги авторитар, кучли идрокка эга, ҳалол ва эҳтиросли кишилар бўлиб, максоди ҳокимиятни бошқариш, кураш ва ғалаба эди. Шунинг учун орадан маълум вақт ўтиб, фикрлари қарама-қаршилиги ўзаро шахсий адоватга айланиб кетди. Инкилобга таҳдид солувчи хатарлар мавжуд бўлгани учунгина муқаррар бўлиниш орқага сурилиб турган эди, аммо бу таҳдид алал-окибат уларни махв этди.

Ижтимоий қутқарув кўмитаси коллегиал орган эди ва Конвент унинг таркибини ҳар ой тасдиқлаб турган. Сиёсий йўналишдаги қонун ва декретлар кенгашдаги бахс-мунозаралардан кейингина тасдиқланиб, Конвентга ўтказилган. Ўта аҳамиятли ва жиддий қарорлар, масалан, Дантончилар қамолка олиниши ҳақидаги қарор қутқарув ва ҳавфсизлик кўмиталарида қелишилган ҳолда кўриб чиқилган эди.

Айнан Робеспьер Барер, Сен-Жюст ва Биё-Варен билан бирга кўмитанинг доимий доимий фаолиятини таъминлаб турган ва шу йўл билан ижро ҳокимияти фаолияти йўналишини Конвент олдида химоя қилган. Робеспьер жуда катта таъсири ва обрўси билан Конвент, Якобинчилар клуби ва Париж секцияларини бир-бирига боғлаб турувчи занжир вазифасини ўтаган.

«Инкилобий ҳукумат назарияси ҳудди уни дунёга келтирган инкилоб қаби янгидир. Уни бу инкилоб жараёнларини олдиндан кўра билмаган бирор сиёсий ёзувчининг қитобидан ёки ўз мустабид ҳокимияти қонуний эмаслигидан қайгурмаган, бор эътиборини ҳокимиятидан ноҳолис қўйдаланиб қелган мустабидлардангина изламаслик қерак. Шунинг учун „Инкилобий ҳукумат“ сўзи зодагонлар қурагига қакат даҳшат ва қўрқув солади, шу сабаб улар тухмат қилади, мустабидлар учун бу сўзлар қакат шармандалиқни, бошқа кўпчилик учун эса қирли жумбоқни аңлатади. Бу сўзларни барчага тушунтириш, иложи қорича яхши ватардошларни қамият манфаати йўлида қирлаштириш қерак. Ҳукуматнинг асосий вазифаси аслида қиллатнинг маънавий ва қисмоний қучларини қўйилган эзгу мақсадларга йўналтиришдан иборат. Қонституциявий ҳукуматнинг мақсади эса Республикани сақлаб қолишдир, инкилобий ҳукуматнинг мақсади — уни асослаш. Инкилоб душманларга қарши озодлик йўлида урушишдир. Қонституция қолиб ва тинч озодлик қеримидир». Максимилан Робеспьер инкилобий ҳукумат қринциплари ҳақида. Қиллий қонвентдаги нутқдан, 25-деқабр, 1793-йил/ 5-нйвоз, республиканинг 2-йили.

Ҳатто 1793-йилга қелиб ҳам, улар услубидаги моҳият шаклланиб бўлмаган эди. Булар барчасига 1793-йилдаги қалқ ғалаёнлари, сиёсий, иқтисодий, қарбий инқироз туртки қерган эди.

Террор

Конвентнинг исталган кисми, хох монтянрлар бўлсин, хох маглубиятга учраган жирондистлар бўлсин, Франциянинг озчилик кисмидан иборат эди. Шунинг учун хокимиятни ушлаб колиш, енгиб бўлмас хавф-хатарни бартараф этиш учун Террордан бошка усулни қўллаб бўлмас эди. Механизмнинг ўзи каби буни хам тушуниш осон бўлган эмас: бунга кадам-бакадам, кисман заруратни англаш, кисман шарт-шароит босими остида эришилди.

1793-йили бахоридаги хоинлик, фронтдаги хизматдан бўйин товлаб кочиш холлари ва маглубият, шу билан бирга, исён кўтариш йўлидаги фитналар ва фукаролик уруши Францияни фалокат ёкасига олиб келиб қўйди. Австрия кўшинларининг ёз фаслида бостириб кириши Вандеянинг республика устидан эришган кетма-кет галабалари, денгиз бўйидаги йирик савдо портлари: Лион, Марсел, Тулон, Бордо каби шахарларда инкилобга карши исён кўтарилиши, шундок хам огир вазиятда бўлган Франциянинг ахволини янада мураккаблаштираётган эди. Гора етакчилари (Конвентдаги кўпчилиликни ташкил килувчи гурух „Гора“ деб аталган) Францияни парчаланиб кетишдан ва Инкилобни халокатдан саклаб колиш учун зўравонлик чораларига кўл уриб, миллий мудофаа диктатурасини тузди, Марат уни „озодлик зулми“ деб атаган эди. Диктатура Республика душманларини кайси ижтимоий табакага мансублигига караб ўтирмай отиб ташлайверди. Инкилобга карши кайфиятда бўлган барча кишилар ёки исёнга мойиллиги бўлган худудларда яшовчи одамлар унинг курбони бўлди.

Провинциялардаги какшаткич, аёвсиз чоралар исён кўтарилиши эхтимоли олдини олишга каратилган эди. Конвент санкюлотлар босими остида террор сиёсатини қўллашга мажбур бўлди. Монтянрлар, улар оркасидан Текислик депутатлари босими остида уруш, камал ва пул кадрсизланиши окибатида озик-овкат махсулотларининг муттасил етишмаслиги, нарх-наво тўхтовсиз ошиб бориши олдини олиш учун Конвент террорни қўллашга карор килди. Кутурганлар талаби кондирилди; албатта хаммаси бирданига бўлгани йўқ, бу аста-секинлик билан, яъни санкюлотларни зўравонлик ва кўркитиш йўли билан монтянрлар тарафига ўтишга мажбурлаш эди.

«Демократия шундай давлатки, унда мустакил халк ўзи кабул килган конунлар асосида, ўзи сайлаган вакиллар ёрдамида ўзи бажара олмайдиган ишларни бажара олади, ўзи хохлаган истакларни рўёбга чикара олади.... Ташкаридан сизни мустабид хукмдорлар ўраб олган; ичкарида эса ўша мустабид хукмдорлар тарафдорлари турли фитналар уюштиради. Улар токи муваффакиятга ишонар экан, фитна уюштиришдан тўхтамайди. Республиканинг ички ва ташки душманларини махв килишимиз ёки улар билан бирга халок бўлишимиз керак; хозирги вазиятда сиёсатингизнинг биринчи коидаси акл-тафаккур ёрдамида халкни ва террор ёрдамида унинг душманларини бошкариш бўлиши шарт». Максимилан Робеспьер («Сиёсий мафкура принциплари хакида». Миллий Конвентда Ижтимоий куткарув кўмитаси номидан сўзланган нуткдан 1794-йил 5-феврал).

Париж Инкилоб Трибунали 1793-йил 9-10-март кунлари ташкил этилди. Биринчи максимум ва олибсотарларга карши конун 5-май куни кабул килинди. Асосий террорчилик харакатлари сентябрда юз берди, бу шубхалиларга карши конун кабул килинишида, Инкилобий армиянинг ташкил этилишида, Инкилобий Трибунални кайта шакллантиришда, мажбурий реквизицияда ва секциялар босими остида кабул килинган

Умумий Максимум қабул қилинганда яққол кўзга ташланди. Террор ҳукуматни ағдариб ташланишдан сақлаб турарди. Реквизиция ва Максимум ўрта катлам ва дехконлар синфининг инкилобдан юз ўгиришига олиб келди, ўрта синфлар норозиликни айтмаса ҳам бўлади.

Санкюлотлар минимал турмуш шароитини қўллаб-қувватлаб тургани учун ҳам Инкилобий ҳукуматни дастаклаётган, агар ҳукумат нарх-навони эплай олмаса, санкюлотлар уларни қўллаганлиги аниқ эди.

Бунга қандай эришиш мумкин бўлди? Якобинчилар жавобни Республиканинг II йилидаги террор чораларида қўраётган эди.

«Агар тинчлик даврида халқ бошқаруви қуроли эзгулик бўлса, инкилоб даврида эзгулик билан бирга террор ҳам унинг қуролига айланади: эзгуликсиз террор ҳалокатга маҳкумдир, лекин террорсиз эзгулик ҳам қучсиздир. Террор шиддатли, каттиққўл ва буқилмас адолатдан бошқа нарса эмас; шунга қўра, террор эзгуликнинг намоён бўлишидир, у алоҳида принципнинг қўриниши эмас, ватан демократия жиддий ҳавф остида қолган пайт қўллайдиган умумий принципдан келиб чиқади». Максимилан Робеспьер ("Сиёсий ахлоқ принциплари". Ижтимоий кутқарув қўмитаси номидан Конвентдаги нутқдан, 1794-йил 5-феврал).

Террор мажбурий қўлланганини эътироф этган Робеспьер жойлардаги Конвент вакиллари ўзбошимчаликларини қоралади. Инкилобий ҳукумат тузган ижро ҳокимиятининг марказлашувини инобатга олиб, Карре, Фуше, Тален каби қўллаб-қувватлаб (ашаддий) террорчилар ҳудудлардан қочириб олинди. Масалан, Фуше Инкилобий Трибунал айбдор деб топгани учун Якобинчилар клуби аъзолигидан четлатилди. Айнан мана шу ижтимоий тартиб бузилишлари ва эберчиларнинг христиан динига қарши қарашлари Робеспьер ва тарафдорлари Дантончилар билан 1794-йил кишида вақтинча бирлашувига сабаб бўлган, бу эса ўз навбатида эберчилар Қўмитани террорни қўллаётганликда («қўллаётганлар», фр. Эндормеурс) айлашига олиб келган эди.

Якобинчилар диктатураси инкирози

„Конституциявий ҳукуматнинг максуди Республикани сақлаб қолиш, инкилобий ҳукуматнинг максуди эса уни барпо этиш эди“. Барпо этиш нима дегани? Бу биринчи навбатда Республикани ташқи душманлардан; шунингдек, ички душманлардан қўқоқ билдиради: Робеспьер ва бошқа инкилобчилар ўз манфаатлари йўлида ҳокимиятни қўлга олмакчи бўлаётган ички гуруҳлар қатта ҳавф тугдирипти, деб ҳисоблар эди. 1794-йил кишидаги турли фракцияларга қарши қўлаш мантиғи шундан иборат бўлди.

Фракцияларга қарши қўлаш

1793-йил охирида Конвентнинг аксарият қисми Ижтимоий кутқарув қўмитасини қўллаб-қувватлади. Дастлабки ҳарбий ғалабаларга ҳам эришила бошлади, аммо инкилобчилар ўртасидаги ҳокимият учун қўлаш иқтисодий инкироз ва назорат қилинаётган иқтисодиётнинг оғирлаштирувчи шароитида янада қўқоқлашди. Дантон ва

Демулен атрофига йигилаётган кучлар террорнинг нихоятда чуқурлашиб кетганини таъкидлай бошлади, улар „мўътадиллар“ деб ном олдил (фр. д'Индулгентс оу ситра-рэволюционнаирес). Радикал кайфиятдаги Кордилерлар клуби (фр. Сорделиерс) аъзолари эса, санкюлотлар журнали „Дюшен ота“ (фр. Пеъре Дучесне) мухаррири, харбий вазирлик бош котиби Венсан, Инкилобий армия рахбари Ронсен ва бошқалар Коммунанинг арзимас кўмаги билан ултра-инкилобчилар (фр. ултра-рэволюционнаирес) ёки корделерлар деб ном олди (тарихшуносликка улар эберчилар номи билан кирди). Дастлаб кўмиталар ва Робеспьер фракциялар ўртасидаги кураш хавфли эканидан огохлантириб, сиёсий ракобатчилар орасида хакамлик ёки воситачилик вазифасини зиммасига олган эди:

«Франсуз халкининг ички душманлари, худди армиянинг икки отрядидай, икки фракцияга бўлиниб олган. Улар турли рангдаги байрокларни кўтариб олиб, бошка-бошка йўллардан бормокда. Аммо битта мақсад сари ё ўл олмокда; бу мақсад — халк ҳукуматини пароканда қилиш, Конвентни кулатиш, яъни зулм тантанасига олиб бориш. Бу фракциялардан бири бизни ожизликка даъват қилса, иккинчиси ҳаракатларга чорлаяпти. Биринчиси озодликни вақханка (айш-ишрат иштирокчиси) бўлишга бошласа, иккинчиси уни фоҳишага айлантirmокчи...

...Сурбетларча пародия ёрдамида инкилобнинг буюк драмасини бузиб кўрсатиш ҳамда рийёкорона мўътадиллик ва ясама гайриодатийлик билан озодлик ишини обрўсизлантириш учун ватанпарварлик никобини тақиб юриш жуда қулай...

...Мўътадил ва сохта инкилобчиларнинг умумий вазифаси бизни муттасил ё у, ёки бу муаммолар гирдобига ташлашдир...» Максимилан Робеспьернинг Конвентдаги нуткидан, 1794-йил 5-феврал.

Робеспьер декабр-январ ойларида эберчиларнинг христианликка қарши кампанияларига оид кескин чиқишлар қилди. Ўша пайтда у Дантон билан эберчилар сиёсатига қарши битта умумий платформага бирлашгандай таассурот уйғонган эди. Робеспьернинг сукутли розилиги билан эберчилар етакчиларига қарши кампания бошланиб кетди. Бу ҳужум Камил Демулен ташқил қилган янги журнал „Кекса Корделер“ (фр. Ле виеух Сорделиер) саҳифалари орқали уюштирилди. Дастлаб журнал жуда оммалашиб кетди, аммо 15-декабрдан бошлаб, унда Ижтимоий кутқарув кўмитаси сиёсати танқид қилинган мақолалар чоп этила бошлади. Бу эса Инкилобий ҳукумат аҳолига хавф тугдирар эди. Икки фракция икки ой мобайнида ўзаро кураш олиб борди. Киш охирларида эберчилар иктисодий тангликдан фойдаланиб, исён кўтаришга уриниб кўрди. Бироқ уларни на Коммуна ва на Париж секцияларининг катта қисми қўллаб-қувватлади. Кўмита зудлик билан эбертчиларни ҳибсга ола бошлади. Эбер, Ронсен, Венсан, Моморо ва бошка эберчилар, шунингдек, чет элликлар Клоотс, Проли ва Перейра „халқаро фитна“ ҳамтовоклари сифатида суд қилиниб, 24-март катл этилди.

Эберчилар камокка олинганидан руҳланган Дантон ва дўстлари ҳужумни давом эттирди. 30-мартда Кўмита Дантон, Делакура, Демулен ва Филиппони камокка олиш ҳақида буйруқ берди. 2-апрелда Дантон ва дўстлари устидан суд жараёни бошланди. Улар тақдири ҳал бўлган эди. 5-апрелда Дантон ва дўстлари гилотинада катл этилди. Кўмита кенгаш ва секциялар ўртасида воситачи бўлиб келаётган эди. Кўмиталар секциялар етакчиларини махв этгач, 31-майдаги кўзголондан бери улар босимидан каттик кўркиб қолган Конвент ҳокимият манбаси бўлган санкюлотлар билан алокани узди. Дантончиларни махв қилган кўмита осонлик билан кўзголонга кўтарилиши мумкин

бўлган Мажлис аъзолари кўнглига гулгула солиб, кўркитиб кўйганди. Хукуматга Мажлис аъзоларининг катта кисми ўз тарафида тургандай кўринган эди. Аммо у каттик адашди. Конвентни секциялар босимидан халос этгандан сўнг хукумат Мажлис илтифотига караб колган эди. Факат хукумат бартараф килиши керак бўлган ички бўлиниши колган эди.

Олий мавжудотга сигиниш

Маърифат даври максадларидан бири инсон тафаккури ёрдамида инсон ҳаётининг (табиий дин, табиий ҳуқуқ ва б.) табиий принципларини топишдан иборат эди. Бундай аклий ва табиий асослар нуктаи назаридан барча тарихан таркиб топган ва амалда мавжуд бўлган шакллар ва муносабатлар (ижобий дин, ижобий ҳуқуқ ва б.) танкид килинган. Маърифат даври гоёлари таъсирида бутун ҷамият ҳаётини қайта шакллантириш бўйича ислохотларни амалга оширишга уринишлар бўлди. Франсуз инкилобининг кўплаб арбоблари бу қарашларга тўлиқ қўшилган эди. Буни инкилоб даврининг принципиал ҳужжатларида ҳам кўриш мумкин.

Франсуз Инкилоби ҳужжатларидаги Олий Мавжудот ҳақида эслатмалар

(фр. Дёсларатион дес Дроитс де л'Ўомме эт ду Ситоен)

Инсон ва фуқаро ҳуқуқи декларацияси (1789-йил 26-август)

...Шунга қўра, Миллий мажлис Олий Мавжудот олдида ва ҳомийлиги остида қуйидаги инсон ва фуқаро ҳуқуқини тан олади ва эълон қилади...

Инсон ва фуқаро ҳуқуқи декларацияси (1793-йил 23-июн)

...Шунинг натижасида Олий Мавжудот олдида навбатдаги инсон ва фуқаро ҳуқуқини эълон қилади...

Инсон ва фуқаро ҳуқуқи декларацияси (III йилнинг 5-фрүктидори /1795-йил 22-август)

...Олий Мавжудот олдида франсуз халқи навбатдаги инсон ва фуқаролар ҳуқуқи декларациясини эълон қилади...

„Франсуз халқи Олий Мавжудот ва қалбнинг барҳаётлигини тан олади“ (Олий Мавжудот ҳақидаги декрет, II йилнинг 18 флореали /1794-йил 7-май).

20-прериалда (1794-йил 8-июн) Олий Мавжудотга атаб ўтказилган байрам тантаналари Робеспьер ҳаётидаги энг бахтли қуни эди.

Робеспьер мовий фракда, республиканинг уч рангли байроғи тусидаги бўйинбоқда улкан гулдасталар, мева-чева ва бошоклар қуршовида Конвент аъзоларининг олд қаторида олдида одимларди. У байрамдан тўрт кун аввал президент этиб сайланганди. Ортидан Парижнинг 48 секцияси вакиллари ва Миллий гвардия борарди. Қатнашсилар байрам учун махсус ташкил этилган „Муқаддас тоғ“ (Конвентдаги тоғ мажози сифатида) деб аталмиш тепалик томон борарди. Унинг энг юқори қисмида инкилоб бирлиги ва садокати рамзи бўлган Озодлик дарахти бор эди. Робеспьер ўша ерда Францияни бирлаштириш учун бу қуннинг нақадар аҳамиятли экани ҳақида нутқ сўзлади ҳамда Дахрийлик, Қибр, Худбинлик ва Жаҳолат рамзлари бўлган ҳайкалларга ўт қўйди. Уларнинг қулидан Донишмандлик ҳайкали пайдо бўлди.

Фестивални инкилоб расоми Давид ташкиллаштирди. Ўша воқеалар иштирокчиларидан баъзилари гувоҳлик беришича, тантаналарда Парижнинг 600 минг аҳолисида қарийб 400 минг қатнашган. Яқшанбанинг қуёшли қуни эди ва барча иштирокчилар байрамона қийиниб олганди. Бутун шаҳар қулла ва қуламбарлар билан безатилган эди. Байрам нақадат Париж, қолаверса, бутун мамлакат бўйлаб ўтказилди ва қўпчилиқ, айниқса,

католик рухонийлар буни диннинг кайтишига йўйиб завкланди.

Байрам таассуротлари шу қадар кучли эдики, эмиграциядаги роялист Малле дю Пан бу ҳақда шундай деб ёзди: „Биз ростдан ҳам энди Робеспьер инкилоб оқибатида бўлиниб кетган жамиятни бирлаштира олади, деб ўйлай бошлаган эдик“.

9 Термидор

Якобинчилар ҳеч қачон бир хил ёки бирлашган партия бўлмаган. Фракцияларнинг тор-мор этилиши сиёсий ўйин майдонида қолганларни (улар „бугдой чориси“ деб ҳам аталган) яширинишга мажбур қилди, очик курашни фитна ва дасисага айлантриди. Лекин бошқа чуқурроқ сабаблар бўлмаганда, бунчалик тез ва қутилмаган қулаш (якобинчилар қулаши) юз бермас эди.гар бўларди.

Республикага ҳақиқий таҳдид сакланиб қолаётган пайтда кўпчилик кўмиталар сиёсатида эргашишга рози бўлди. Максимум қонуни ҳеч қимга ёқмас ва у доимий тарзда бузилаётган, аммо Европа монархияларига қарши курашаётган мамлакат учун бу қонуннинг жорий этилиши мантиқан тўғри эди. Якобинчиларнинг ҳокимиятга қелиши ва ҳокимиятда қилишига сабаб Париж секцияларидан қелаётган қосим эди, эберчилар қостирилгач, секциялар қолияти сустлашиб қолди. Кўмиталар иқтисодий сиёсатидан ҳам уларнинг ҳафсаласи қир бўлганди. „Инкилоб музлаб қолди, унинг принциплари қайфлашди, энди фитнанинг бошида қизил қалпоқ (Фригия қалпоғи) қолди, қолос“, деб ёзганди Сен-Жюст ўша қайт. Секциялар қонсерватизми сабабларидан қана қири ватанпарварлик руҳидаги қўллаб ёшларнинг фронтга жўнаб қетгани қилан ҳам қоглик эди. Секциялар қооллари ҳуқумат кўмиталари сақларини тўлдириб, номенклатурага айлиниб қолган, инкилобнинг суронли тўрт йили кўпчилиқни толиқтиргани сезилаётган эди.

Айнан илк қалабаларга эришилган (Флёрюс 26-июн) ва кўмиталар ҳокимиятига ҳеч қим қарши турмаётган пайтда Инқлибий Хуқумат аъзолари ўртасида шахсий қелишмовчилиқлар юзага қалқиб қикқанидан ажабланмаса ҳам бўлади. Агар кўмиталар яқдил бўлганда, термидордан қутулиб қилиш мумкин бўлар эди. Айнан қана шу қарама-қаршилиқлар, шубҳалар, қир-қирини айблашлар робеспьерреқиларнинг, ортидан эса Инкилобий Хуқумат таназзули, Тог ва Қонвентнинг ва умуман, бутун Якобинқилар партиясининг қулашига олиб қелди.

Фракциялар қулашидан, Олий Мавжудот шарафига ўтқазилган байрамдан сўнғ Робеспьер шахси яққол қўзга ташланиб қолган, у энди Якобинқилар қлуби ҳимояқиси сифатида Қонвент ва кўмиталар ўртасидаги воситачилиқ ролини ҳам йўқотган эди. Унга энди деярли ҳуқумат раҳбари сифатида қарала бошлади ва барча норозилиқлар энди айнан унинг шахсига қаратиладиган бўлди. Аслида Ижтимоий қутқарув кўмитасида унинг вақолатлари деярли йўқ эди, кўпчилиқ ўйлагандай, Робеспьер қўлида ҳокимият бўлмаган. У кўмитага охирилардан бўлиб аъзо бўлган ва ҳатто кўмита вақилларини сайлаш ҳуқуқига ҳам эга эмасди, қенгаш раиси ҳам бўлмаган. Кўмита аъзоларининг барча амаллари қолган аъзолар розилиғига қоглик эди. 22-қериалдаги жанжалнинг моҳияти ўша қуни қикарилган қонунда эмас, у Қонвентга кўмитанинг барча аъзоларидан розилиқ олмай тақдим этилганида эди. Робеспьер Ижтимоий Қутқарув Кўмитасининг 12 нафар аъзосидан қакат Сен-Жюст ва Қутоннинг кўмағига суяна оларди, қолос. Қолло дЪербуа ва Биё-Варенн эса кўпроқ эберчилиққа моий шахслар эди. Робер Ленде дантонқиларга, Лазар Қарно ва Қлод-Антуан Приёр мўътадилларга яқин одамлар

хисобланган. Устига-устак, Ижтимоий Куткарув Кўмитаси ва Ижтимоий Хавфсизлик Кўмитаси ўртасида ҳукуматнинг сиёсий фаолияти ва шахсий муносабатлар борасида карама-каршиликлар мавжуд эди.

Робеспьер хакида турли миш-мишлар таркатаётган эди, одамлар эси огиб колган башоратчи кампир Катрин Теонинг ўзини Биби Марям деб атагани ва Робеспьер унинг ўгли экани хакидаги гапларига кулок соладиган бўлди. Робеспьерни ўлдириш учун уюштирилган иккита суйкасд ҳам унинг шахс сифатидаги ахамиятини оширишга хизмат килди. 3-прериалда уни Анри Адмир ўлдирмокчи бўлди. Эртаси куни эса хонадонида ёш Сесил Рено исмли киз иккита пичок билан кўлга олинди.

Бахс-мунозаралар, гап талашиш кизиби кетиши окибатида ахвол Робеспьер 1-июлдан бошлаб Ижтимоий Куткарув Кўмитасига келмай кўйишигача бориб етди.

Ҳукумат таркибидаги карама-каршилиқ бўлинишга олиб келишини яхши тушунганлар 5-термидорда Вантоз декретлари мухокамаси бахонасида ярашишга уриниб кўрди. Сен-Жюст билан Кутон ярашувни ижобий баҳолади, аммо Робеспьер ракиблари самимийлигига шубҳа билан қараётган эди. У 8-термидорда Конвентдаги охирги нуткида ракибларини сиёсий ўйинчиликда айблади ва бўлиниш уринишларини Конвент судига чиқаришни таклиф килди ҳамда Ижтимоий Куткарув Кўмитаси таркибини янгилаш, Ижтимоий Хавфсизлик Кўмитаси таркибини тозалаш, Конвент бошчилигида ҳукуматни бирлаштириш кераклигини таъкидлади. Ундан айбдорларнинг фамилияларини номма-ном айтиши талаб қилина бошлади. Шарле шундай деди: „Кимда-ким эзгулик жасоратига эга бўлса, у хакикатни айта олиш жасоратига ҳам эга бўлиши шарт. Сен ўзинг айблаётган кимсаларни номма-ном айт!“ Аммо Робеспьер айбдорларнинг исмини айта олмади. Хар бир Конвент аъзоси бу сукутда ўзи учун конундан ташқари шахслар рўйхатига кириб қолиш хавфини сезди ва мажлис у чекланган ваколат (карт-бланш) талаб қилаётганини тахмин этди.

9-термидорга ўтар кечаси ултра-инкилобчи террорчилар, колган-кутган дантончилар, Текислик ёки „Боткок“ (фр. Ла Плаине оу ле Мараис) депутатлар гуруҳи аъзолари Робеспьерга қарши қелишувга эришди. Фитна марказида ўзи учун катта хавф сеза бошлаган Конвент аъзолари: Тален, Фуше, Каре ва б. турарди, Фуше Лионда, Тален Бордода, Каре Нантда ҳаддан зиёд шафқатсиз оммавий катл уюштиргани учун Парижга чакириб олинган шахслар эди. Улар Ижтимоий Куткарув Кўмитаси аъзолари Колло д'Ербуа, Биё-Варенн ва Лазар Карно билан қелишувга эришди. Робеспьернинг Конвентдаги охирги нуткидан кейин иккала кўмита аъзолари ҳам ўз тақдиридан кўркиб колган ва айни омил уларнинг Робеспьерга қарши бирлашишига сабаб бўлганди. Текислик етакчилари бўлган Сиес, Камбасерес, Дону ва Буасси д'Англа харбий галабалардан кейин террор йўли билан иктисодиётни назоратда ушлаб туриш энди нотўғри бўлишини англаб етаётган эди. Шунингдек, улар Париж секцияларидан ва турли радикал оқимлардан келадиган хавф-хатар қамайдигани учун Конвент республика бошқарувини тўлиқ кўлга олиши зарурлигини ҳам эътироф этди.

Камок

9-термидорда (27-июл) Сен-Жюст Конвентда кўмиталар маърузасини ўқиб эшиттириши керак эди. У бир неча сўзни айтиб-айтмаёк, олдиндан қелишиб олган фитначилардан бири Тален гапини бўлди. Фитначилар Робеспьер ва тарафдорлари гапиришига йўл бермасликка қелишиб олган эди. Минбарда факат улар гапирарди; дастлаб Биё-Варенн,

сўнгра Барер, Ваде ва яна Тален сўзга чикди. Улардан бири хатто Робеспьерни инкилоб душманларига нисбатан ўта мурасасозликда, бошка бири эса хаддан ортик террор килишда айблади. Робеспьер эътироз билдирмокчи бўлди. Лекин унинг сўзларини Тог вакилларининг „Золим йўколсин!“ деган кичкириклари босиб кетди. Кўпчилик овоз билан Миллий гвардия бошлиги Анриони ва Инкилобий Трибунал раиси Дюмани камокка олиш хакида қарор қабул қилинди. Шундай кейин бошланиб кетган саросима ва шовкин пайтида деярли ҳеч ким танимайдиган дантончи ва монтаняр Луше Робеспьерни камокка олиш таклифини киритди. "Яшасин Республика!" хитоблари остида Робеспьер, Сен-Жюст ва Кутонни камокка олиш хакидаги қарор бир овоздан тасдиқланди. Робеспьернинг Конвентдаги охириги сўзлари мана булар бўлди: „Республика? Республика ҳалок бўлди — қарокчилар салтанати ўрнатилди!“ Леба билан Робеспьернинг укаси ҳам ўзини хибсга олишларини талаб қилди. Хибсга олинганлар камокка олиб кетилди. Робеспьер эса Люксембург камокхонасига жўнатилди, аммо камокхона нозири машхур махбусни қабул қилишдан бош тортди.

Воқеалар шиддат билан ривожлана борди. Улар хакидаги хабар Париж мериясига (фр. Хôтел де Вилле де Парис) тахминан соат 17 да етиб борди. Париж Коммунаси шаҳар исён ҳолатида эканини эълон қилди. Париж мери Флерио-Леско шаҳарга олиб қирувчи йўлларни ёпишга ва бонг уриб, шаҳардаги барча секцияларни исёнга даъват этишга қарор қилди. Коммуна кўл остига ўтган секцияларнинг қуролланган бўлинмаларига ратуша (хокимият биноси) олдига тўпланиш буюрилди. Париж Миллий Гвардияси раҳбари Анрио бир неча жандарм билан хибсга олинганларни қутқармокчи бўлди, аммо ўзи ҳам камокка олинди. Якобинчилар клуби ва секциялар мажлислар тўхтовсиз бўлишини эълон қилди. Коммуна ва Конвент даъватномалари, буйруқлари, акс буйруқлари шаҳарнинг барча қисмларига тинимсиз юборилиб турди. Париждаги 48 та секциядан 27 таси Коммунадан кўрсатмалар сўради, аммо 13 тасигина миллий гвардиясини унинг ихтиёрига юборди, ҳолос. Коммуна ва кўмиталар сиёсати сабаб тўпланиб қолган норозиликлар ўз ишини қилди. Мана энди робеспьерречилар 10-август ва 31-май кўзғолонларида ҳал этувчи рол ўйнаган секциялар раҳбарлари ва фаоллари йўқ қилиниши билан боглик мудҳиш оқибатларни ўз танасида ҳис қилаётган эди.

Дастлаб вазият тарозиси палласи кўзғолончилар тарафга оғаётгандай туюлган эди. Инкилобий Трибунал раиси муовини Коффингал Коммунага содик қўшинлар билан Анриони камокдан озод қилишга муваффақ бўлди. Хибсга олинган депутатлар бирин-кетин озод қилиниб, ратушага тўплана бошлади. Коммуна қўшинлари кўпроқ эди. Айни чоқда Конвент қутилмаган исён саросимасидан ўзига келди. Марказий ва гарбий секцияларга депутатлар юборилиб, улардан Конвент ҳимояси учун Миллий Гвардияни юбориш сўралди. Конвент Тулон қамалида ўзини кўрсата олган Баррасни қўшинларига бош қўмондон этиб тайинлади; Барер исёнчиларни қонундан ташқари деб эълон қилишни таклиф этди, бу ҳар бир исёнчи таслим бўлмаган тақдирда судсиз-терговсиз, фақат шахси аниқлангандан сўнг қатл этилишини аңлатар эди.

Ўз навбатида Коммуна ҳам Конвентдаги фитначиларни, хусусан, Колло, Амар, Бурдон, Фрерон, Тален, Панис, Карно, Дюбуа, Ваде, Жавог, дю Барран, Фуше, Гране ва Бейлни камокка олиш хакида декрет чиқарди. Бирок секциялар вазият ноаниқлигидан иккиланаётган эди. Иккала тарафда ҳам машхур инкилобчилар борлиги бу ноаниқликни янада мавҳумлаштириб қўйди. Рақиб томонлар учун қим қўпроқ ва тезроқ секцияларни ўз томонига оғдириши масаласи долзарб эди. Бу йўлда улар ҳеч қандай ифлос йўлдан тап тортмаётганди. Масалан, Гравилега юборилган Конвент вакили Леонард Бурдон

секцияларга, Робеспьер Людовик XVI нинг кизи билан яширин никох шартномаси имзолади, деган ёлгон маълумотни таркатди[62]. Сен-Антуан кўргонидаги энг жанговар, инкилобнинг барча кўзголонида етакчи рол ўйнаган Кенз-Вен секцияси ёрдам сўраб муружаат килган Коммунага шундай жавоб йўллайди:

«Антуан атрофида яшовчи фукарлар ўзига хос республика шижоатини хали йўқотганича йўқ, бироқ хозирги шароитда Инкилобий Хукумат республика душманлари доимо кўяётган тузукка тушиб колмаслиги учун уларга бошқарув кенгаши зарур». Кечаси соат 2 да (10-термидор) Конвентнинг иккита бири Баррас бошчилигидаги, иккинчиси Леонард Бурдон бошчилигидаги Гравиле секциясидан келган гвардиячилардан иборат йирик гуруҳи ратуша олдидаги майдонга келди, бироқ майдон бўм-бўш эди. Конвент кўшинлари Анрионинг адютантидан паролни билиб олиб, Коммуначилар йигилиш килаётган залга бостириб кирди. Леба ўз жонига касд килди. Огюстен Робеспьер ўзини ойнадан ташлаб, оёғини синдириб олди. Фалаж Кутон араваси билан бирга зинапоядан пастга итариб юборилди. Жандарм Мерда Робеспьерга карата тўппончадан ўқ узди ва иягини мажаклаб ташлади.

Катл килиниши

Конга беланган Робеспьер Ижтимоий Куткарув Кўмитасига олиб келинди. У дастрўмолини жарохатланган иягига босиб, конни тўхтатишга ҳаракат киларди. Жарроҳ уни кўриб, жарохатини боглаб кўйди. Эрталаб соат 9 да Робеспьер Консержери камокхонасига ўтказилди. Тушга якин у Инкилобий Трибуналга олиб келинди. Суд жараёни апил-тапил ўтказилди, энди факат исёнчиларни конундан ташқари деб эълон қилиш ва суд улар шахсини аниқлаб тасдиқласш колган эди.

10-термидор (28-июл) соат 16:30 да учта аравага ортилган махбуслар катлгоҳга олиб кетилди. Улар Робеспьер яшаган Дюпле уйининг олдидан хам ўтди. Унинг уйи эшикларига кон суркаб, улар ва деразалар тамбалаб ташланган эди. Соат 18:15 да аравалар катлгоҳ жойлашган Инкилоб майдонига етиб келди.

Дастлаб Кутоннинг боши кесилди, кейин Огюстен Робеспьер ва Сен-Жюст, кейин Париж мери Флерио-Леско катл этилди. Сўнгра Максимилан Робеспьер гилотинага тортилди. Жаллод унинг юзидаги богични юлиб олди ва Робеспьер огрик зўридан кичкириб юборди. „Бу кичкирик нафакат Парижни, балки бутун Францияни, бутун Европани ларзага келтирган ва асрлар ошиб бизгача етиб келган кичкирик эди“. Гилётини тиги Робеспьерни бошини узиб юборди. Жаллод карсак чалаётган оломонга шахар мери Флерио-Леско, Кутон ва Робеспьернинг бошини кўрсатди.

Катл килинганлар жасадлари Эрансидаги (фр. симетиёре дес Эррансис) биродарлик кабристонига дафн этилиб, Максимилан Робеспьердан ҳеч қандай из колмаслиги учун устига оҳак сепилди..

«Аммо у бор, сизларни ишонтириб айтаман, о, тоза ва таъсирчан калблар! У бор. Бу инжа, хукмбардор ва енгиб бўлмас эхтирос, олийжаноб калбларнинг азоби ва роҳати! Зулмга бўлган чексиз нафрат, мазлумларга астойдил хамдардлик, ватанга бўлган муқаддас муҳаббат, инсониятга бўлган энг олий, энг муқаддас севги — буларсиз буюк инкилоб яққол жинойт, яна бир бузмакор жинойт бўлиб қолиши турган гап эди; у бор — дунёдаги биринчи Республикани ташкил қилиш каби олийжаноб, қибрли истак у!» — Максимилан Робеспьер Якобинчилар клубидаги нуткидан, 1794-йил 8-термидор.

Хотираси абадийлаштирилиши

Робеспьер хозирги кунгача жахон тарихидаги энг зиддиятли шахслардан бири бўлиб колмокда. Буюк Франсуз Инкилоби намоёндалари орасида унинг номи билан Парижнинг бирор кўчаси аталмаган, аммо шахар чеккасидаги Сен-Сан-Дени департаментининг Монтрёй шахарчасида Робеспьер кўчаси бор. Шунингдек, метронинг 9-линиясидаги станция ҳам унинг номи билан аталади. Робеспьернинг Париждаги ягона хайкали Пантеонда жойлашган. Уни хайкалтарош Франсуа-Леон Сикар тарошлаган, хайкал дастлаб Тюилри богидан жой олиши керак бўлган. Франция пойтахти кўчаларида Робеспьерга хайкал қўйишга уринишлар хозиргача муваффакиятсизликка учрамокда..